

21-001-50142 сон - ШАРТНОМА

23 декабрь 2021 йил

Тошкент шаҳар

Ушбу шартномани "FARG'ONAAZOT" AJ номидан Ҳошоб асосида иш олиб борувчи, унинг бош. раиси Самитов А.Т. бундан буён матнда "Буюртмачи" деб аталувчи, бир томондан ва "O'zMMI" DM (Toshkent shahri) номидан Устав асосида иш юритувчи, бундан сўнг "Бажарувчи" деб аталувчи - унинг Директори в.б. САИДОРИПОВ Л. Ф. иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси "Метрология тўғрисида"ги қонуни ҳамда Фуқаролик Кодексининг 703-моддасига амал қилган ҳолда қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

- 1.1 "Буюртмачи" ушбу шартнома шартлари асосида "Бажарувчи"га метрологик (сертификатлаштириш) хизматлар ва ишларини бажаришни топшириб, уларнинг қийматини тўлаш, "Бажарувчи" эса метрологик (сертификатлаштириш) хизматлар ва ишларини бажариш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади.
- 1.2 Топшириладиган ишлар ҳажми ва спецификацияси "Буюртмачи" нинг талабномаси (буюртмаси)га асосан белгиланади.

2. Ишларнинг қиймати ва ҳисоб-китоб тартиби

- 2.1 Тўлов "Буюртмачи"нинг ҳар бир талабноомаси (буюртмаси) асосида "Бажарувчи" томонидан тақдим этилган тўлов учун ҳисоб бўйича «Буюртмачи» томонидан амалга оширилади.
- 2.2 "Буюртмачи" ҳар бир тўлов учун ҳисоб тақдим этилган пайтдан бошлаб 15 банк иш куни якунига қадар бажариладиган хизмат (иш) қийматини 100% микдорда "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига хизмат (иш)лар бажарилишидан олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.
- 2.3 Ушбу шартномада кўрсатилган хизматларнинг ҳар бир тури ёки мажмуи учун қиймат, ҳужжатларни расмийлаштириш қийматини ҳисобга олган ҳолда тўлов учун ҳисоб бериш пайтида амал қиладиган, ўрнатилган тартибда тасдиқланган "Бажарувчи" нинг прејскурантига асосан белгиланади. Прејскурант қиймати ўзгарганда хизмат (иш) лар ўзгарган қиймат бўйича амалга оширилади.
- 2.4 Сайёр хизматларининг нархи хизматлар бажарилиш жойига ва хизматларни бажаришга жўнатилган "Бажарувчи" вакиллариининг сонига ҳамда намунавий ўлчаш воситаларини олиб борилишига боғлиқ ҳолда белгиланган тарифга мувофиқ ва ушбу шартноманиннг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида ҳисоб-китоб билан аниқланади. Сайёр хизматларнинг умумий нархи ушбу шартноманиннг 2.2.-бандга мувофиқ тўлов учун ҳисобга киритилади. Жойига бориб сервис хизматлари кўрсатилиши "Буюртмачи"нинг буюртмасида кўрсатилганда алоҳида калькуляция бўйича амалга оширилади.
- 2.5 Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар ҳар чоракда тузиладиган солиштириш далолатномаси билан тартибга солинади.

3. Топшириш, қабул қилиш тартиби ва ишларни бажариш муддати

- 3.1 "Буюртмачи" тўлов амалга оширилган пайтдан бошлаб 15 иш кунидан кечиктирмасдан ишлар ва хизматларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ўлчов воситаларини тақдим этиши (етказиб бериши) шарт.
- 3.2 Мазкур шартнома бўйича талабнома (буюртма) берилиши 31 декабрь 2022 йилга қадар амалга оширилиши керак.
- 3.3 "Бажарувчи" зарур ҳужжатлар ва ўлчов воситалари тақдим этилган пайтдан бошлаб, шартноманиннг 2.3 ва 3.1.-бандларига риоя қилинганда 15(ўн беш) иш куни давомида хизматларни (ишларни) бажариши ҳамда натижалари ҳақида ҳужжатларни тақдим этиши шарт.
- 3.4 "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманиннг 2.3. ва 3.1.-бандларининг бажарилиши кечиктирилганда хизматлар ва ишлар якунланиши кечиктирилган муддатга кўчирилади, бунда "Бажарувчи" да ишларни ўз вақтида бажармаганлик учун жавобгарлик келиб чикмайди.
- 3.5 Берилган талабнома (буюртма) ёки алоҳида иш тури якунланганда "Бажарувчи" бажарилган иш ҳамда амалда бажарилган иш суммасини кўрсатган ҳолда бажарилган ишлар далолатномаси билан ҳисоб-фактурани тақдим этади.
- 3.6 Агар ишларни бажариш вақтида "Буюртмачи" ёки "Бажарувчи" бирор иш турини бошқасига алмаштирилиши ёки қўшимча иш бажарилиши зарур деб топса, томонлар иккала томон имзолаган қўшимча келишув тузади. Ўзгартиришлар киритилган шартноманиннг умумий суммаси ҳам қўшимча келишув билан тартибга солинади.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

- 4.1 Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки тегишли тарзда бажарилмаганлиги учун томонларга "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йил 670-И-сон Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари билан кўзда тутилган жавобгарликка келтириб чиқаради.
- 4.2 "Буюртмачи" томонидан бажарилган ишлар учун тўлов муддати кечиктирилгани (2.3.-банди бузилганлиги) учун

“Буюртмачи” “Бажарувчи” га ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати кечиктирилган тўлов миқдоридан 0,4% миқдорда пеня тулайди. Бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов умумий миқдорининг 10% дан ошмаслиги керак.

- 4.3 “Бажарувчи” томонидан мазкур шартноманинг 3.3-банди бузилганлиги учун “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган ишлар учун тўлов умумий миқдорининг 10% дан ошмаслиги керак
- 4.4 Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонунининг 26-моддасига биноан томонлар бир - бирларини коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш ҳолатлари вужудга келганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт. Ушбу мажбурият томонлар томонидан бажарилмаганлиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 241-моддасига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

5. Томонлар ўртасидаги низолар

- 5.1 Мазкур Шартномадан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинади, келишувга эришилмаган тақдирда, жавобгар жойлашган жой бўйича Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Форс-мажор

- 6.1 Томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади, агарда бу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан сўнг, томонлар кўзда тутиши, оқилона чоралар билан олдини олиши мумкин бўлмаган фавқулодда ҳолатдаги ҳодисалар натижасида юзага келган энгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар оқибати ҳисобланса.
- 6.2 Кўрсатилган вазиятлар бошланган ва тугаганда, мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига тўсқинлик қилган энгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар юзага келган томон оқилона муддатларда бошқа томонни бу ҳақида хабардор қилиши, тегишли давлат органининг хабарнома маълумотномасини илова қилиши керак.
- 6.3 Энгиб бўлмас куч таъсиридан юзага келган вазиятлар бошланиши шу вазиятлар давомида шартнома бажарилиш муддати узайтирилишига олиб келади.
- 6.4 Муддати кечиктирилаётган қарздор ўз мажбуриятлари бажарилишини кечиктираётган даврда бошланган энгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятларни баҳона қилишга ҳақли эмас.

7. Бошқа шартлар

- 7.1 Мазкур шартнома томонлар билан имзоланган пайтдан бошлаб кучга кирилади ва ушбу шартноманинг 3.2-бандини бажариш шarti билан 31 декабрь 2022 йилга қадар амал қилади.
- 7.2 Шартнома томонларнинг келишуви бўйича ўзгартирилиши мумкин. Ушбу шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, ёзма равишда расмийлаштирилиб, томонлар томонидан имзоланиш шarti билан ҳақиқий ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 7.3 Шартнома томонлардан бирининг хоҳишига кўра ёки томонлардан бири шартнома шартларини бузганда 10 кун олдин бошқа томонни ёзма равишда хабардор қилиш шarti билан бекор қилиниши мумкин.
- 7.4 Буюртма берилмаётган ишларнинг қиймати шартноманинг умумий миқдоридан ошганда (Шартноманинг 2.1 б.) ёки мазкур шартнома амал қилиш вақтида бажариладиган ишлар ва хизматлар учун тарифлар ўзгарганда шартноманинг умумий миқдори қўшимча келишув тузиш йўли билан ўзгартирилади.
- 7.5 Агар қиёслашни (метрологик хизматни) бажаришнинг ўрнатилган кетма-кетлигида бирор бир босқичда салбий натижа аниқланса, у ҳолда кейинги босқичлар бажарилмайди ва ишлар қиймати бажарилган босқичларнинг амалда талаб қилинган меҳнат ҳақи билан белгиланади. Буюртмачи (унинг вакили) қиёслашда иштирок этиши мумкин, агар қиёслаш ўтказиш шартларида билан бунга йўл қўйилса.
- 7.6 Шартнома бир хил юридик кучга эга ва икки нусхада ҳар бир томон учун биттадан тузилди.

8. Коррупцияга қарши келишув

- 8.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.
- 8.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
- 8.3 Мазкур шартноманинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

- 8.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

9. Томонларнинг юридик манзиллари

"BAЖAPУBЧИ"

"BYЮPТMACHИ"

"O'zMMI" DM (Toshkent shahri)

"FARG'ONAAZOT" AJ

Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий 333а

FARG'ONA VILOYATI, FARG'ONA SHAHRI, SANOAT KO'CHASI, 222-UY,

X/p 20210000000775480001

X/p 20210000200228989001

"ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ САГБОН ФИЛИАЛИ

в ФАРГОНА Ш., "УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" АТБ КИРГУЛИ ФИЛИАЛИ

Банк коди 01036

Банк коди 00524

ҚКС рақ.: 326090015935

СТИР 200202240

СТИР 304909478

ОКЭД 1730401

ИФТ 71200

Тел. 73 242-6604

Тел. 78-150-26-18



Шартномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Ушбу QR-код шартнома бажарувчи томонидан тасдиқланганини билдиради.

Буюртмачи тасдиқланмаган



KELISHILGAN

BO'LIM	SANA	IMZO	I.SH.
Boshqaruv raisining ishlab chiqarish, mahalliy lashtirish, sanoat kooperatsiya aloqalarini kengaytirish va axborot texnologiyalari bo'yicha birinchi o'rinbosari			
Boshqaruv raisining savdo va logistika masalalari bo'yicha o'rinbosari			Маммонов Д. Э.
TJ ABT va Metrologiya boshqarma boshlig'i			Садинов З. А.
Bosh hisobchi			Хайдаров Х.
ICHXTQTNQ va RTB boshlig'i			Ахмедов Д.
Huquqshunoslik bo'limi			Ахмедов С.
SHMNQb			